

Қайси кун муқаддасроқ? | Сийрат дарслари (239-дарс)



19:00 / 22.07.2023 3860

249. Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида тўққиз, саккиз ёки етти киши эдик. Шунда у зот: «Расулуллоҳга байъат қилмайсизларми?» дедилар. «Биз сизга байъат қилганмиз», дедик. **«Расулуллоҳга байъат қилмайсизларми?»** дедилар. «Биз сизга байъат қилганмиз», дедик.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга байъат қилмайсизларми?» дедилар. «Биз қўлларимизни узатдик ва: «Биз сизга байъат қилганмиз. Яна нимага байъат қилайлик?» дедик. **«Аллоҳга ибодат қилишга, Унга ҳеч нарсани ширк келтирмасликка, беш (вақт) намозга, итоат қилишингизга, - махфий сўзни пичирлаб айтдилар - одамлардан ҳеч нарса сўрамасликка»**, дедилар. Ўша одамлардан

баъзиларининг қамчиси тушиб кетганда бировдан уни олиб беришни ҳам сўрамаганини кўрдим».

Муслим ривоят қилган.

250. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ осиб, итоат қилишга байъат қилганимизда у зот бизга: **«Қодир бўлганингизча»**, дер эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

251. Амр ибн Аҳвас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга видолашув ҳажида ҳозир бўлган. Шунда у зот Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, эслатдилар ва ваъз қилдилар. Сўнгра: **«Қайси кун муқаддасроқ? Қайси кун муқаддасроқ? Қайси кун муқаддасроқ?»** дедилар. «Ҳажжи акбар кун, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди одамлар. Шунда у зот айтдилар: **«Албатта, қонларингиз, молларингиз, шаън-обрўларингиз сиз учун худди шу кунингиз, шу юртингиз, шу ойингиз ҳурмати каби муқаддасдир. Огоҳ бўлинг! Жинойтчининг жинойти ўзига: ота боласига, бола отасига жинойт қилмайди. Огоҳ бўлинг! Албатта, мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Мусулмон киши учун биродарининг у кўнгилдан чиқариб берганидан ташқари бирор нарсаси ҳалол бўлмайди. Огоҳ бўлинг! Жоҳилият рибосининг ҳаммаси бекордир, сизларга сармояларингиз (қолади), холос, (шунда) зулм ҳам қилмайсизлар, сизларга ҳам зулм қилинмайди. Лекин Аббос ибн Абдулмуттолибнинг рибосининг бари бекордир. Огоҳ бўлинг! Жоҳилиятдаги қонлар қиймати ҳам бекордир. Қонларимиздан биринчи бўлиб бекор қилинадигани Ҳорис ибн Абдулмуттолибнинг қонидир. (У) Бану Лайсга эмизиш учун берилган эди, уни Ҳузайл (қабиласи) ўлдирди. Огоҳ бўлинг! Аёлларга яхши муомала қилинлар, чунки улар қўл остингиздаги асиралардир. Сизлар улардан бундан бошқасига эгалик қила олмайсизлар. Фақат очиқ-ойдин итоатсизлик қилишса, уларни ётоқларда тарк этинг. Ва уларни жони ачимайдиган тарзда уринлар. Агар сизга итоат қилишса, уларга бошқа йўл ахтарманг. Огоҳ бўлинг! Аёлларингиз зиммасида сизларнинг ҳақларингиз, сизларнинг зиммангизда аёлларингизнинг ҳақлари бор. Аёлларингиз зиммасидаги сизларнинг ҳақларингизга келсак, булар - сиз ёмон кўрган кишига**

тўшакларингизни бостирмасликликлари ва бундай (киши)нинг уйингизга киришига изн бермасликларидир. Огоҳ бўлинг! Сизнинг зиммангиздаги уларнинг ҳақлари эса таомлари ва кийимлари хусусида уларга яхшилик қилишингиздир».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.